

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ

У

ФИЛОЛОГИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ

Сборник научных трудов

Выпуск 3

«MERIYUS»
ТАШКЕНТ
2012

Энди, эътиборимизни куйидаги миссолиарга каратсак.

1) - *Care for a sandwich?* - *Thane was asking* [Oke J. "Roses to mama"].

2) - *Care for a sandwich?* - *Thane was asking* [Oke J. "Roses to mama"].


Биринчи миссолда пасаювчи оханг ифодаланган. Бунда хурмат, муойимлик намоён бўлган. Иккинчи миссолда эса, овоз кўтарилади. Натижада, бўйруқ, кўполтик охангни юзага келади.

Аудиоматнин тинглаёттанда тингловичи матнни қайси диалектда ўқинганини ажратса олиши максадга мувофиқдир. Инглиз тилида иккита асосий диалект мавжуд бўлиб, биринчisi British English, иккинчisi эса American Englishdir. Инглиз забонийларнинг 70 фоизи АҚШда яшаса хам, жанубий британ талаффузини жамиятда қабул қилинган (RP) талаффуз хисобланаб, инглиз тилини ўрганаёттандаги ўкув кўлтанималар ва нутқ мадданияти асосан жанубий британ талаффузи орқали ўргатилади. Яна шуни хам таъкидлаш керакси, аудиоматнларни ўкув сифатида таңлаёттанда, матн аутентик, яъни кетма-кетлик даражасига эътиборимизни каратишимиз максадга мувофиқлар. Демак, чег тили ўрганувчиси матнларни тинглаш натижасида нуткни тинглаб қабул қилиш нутк кўникмасини ўстиради. Келгусида ўрганувчи маълумотнинг асл маъносинигина эмас, балки муоматанинг нозик хусусиятларини, мулокотчиларнинг ўзаро хурмат муносабатини хам фарқлаб, хар кандай шароитда кўлтай олишга кобилияти етарли бўлади.

Хулоса қилиб айттанди, аудиомалиёт таълимининг асосий вазифаларидан бири ўрганувчиларда матнни тинглаб тушуниш билан бирга, суперсегмент элементларни сингдираш керак. Юкорида айттилганларни таҳсил жараёнида кўллаш фойда беради, коммуникатив компетенцияни юкори самарасига эришиш учун аудиоматнларга тегишили бўлган талаблар билан бирга фонуслубият хакидаги тушунчага эта бўлиши даркор.

Адабиётлар:

1. Демьяненко М.Я. Основы общей методики обучения иностранным языкам. - Киев, 1976.
2. Пальмер Г. Устный метод обучения иностранным языкам. М., 1961.
3. Рогова Г. В., Верещагина И.Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе. - М., 1988.
4. Dainty P. Newspaper articles to get teenagers talking. - London, 2006.
5. Leech G.N., Svartvik J.A. A Communicative Grammar of English. - M., 1983.
6. Oke J. Roses to mama. - U.S.A., Minnesota, 1991.
7. www.engli.org/learning/slang



КОММУНИКАТИВ ЙЎНАЛИШДАГИ МАШҚЛАР

Юсупова Т.-
пед. фан. номзоди, доцент.
Ўзбекистон давлат
жаҳон тиллари университети, Тошкент

Мактабда синтаксисни ўрганиш, бир томондан, нутк ўстириш учун хизмат кўлса, иккинчи томондан, коммуникатив мақсадлар – мулокот мадданияти, муомала одобини шакллантириш учун кўмаклашади. Шу боисдан биз илк бор она тили ўқитишидаги коммуникатив ёндашувни мулокот мадданияти, муомала одобини эгаллаш билан боғлаш керак деган тояни илгари сурдик. Бунга шунинг учун хам устувор аҳамият берилади, 8-синф ёшидаги ўкувчилар катта ёшдаги кишилар орасида ўзларига муносаб мавқеда бўлишга харакат қиласилар. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш бевосита айни шу мақсадни амалга ошириш имконини бераади. Бунинг боиси шундаки, икки бош бўлакли ва бир

бош бўлакли гаплар тузиб сўзлашишнинг бевосита мулокот маданийтини эгалашга дахидор томони бор. Бу жиҳат айни эганинг ишлатилиши билан боғлиқдир.

Кузатишлардан, хаёт тажрибасидан шу нарса маълумки, сўзлаётган одам ёшрок бўлса, лавозим жиҳатдан қўйирок бўлса-да, ўз нутқида мен сўзини кўпроқ ишлатиб юборса, унга "Намунча "мен"ладинг?" деган дакки берилади, натижада мулзамлик юзага келади. Ёки ёшрок одам ўзидан катталарга буйруқ гап шаклида фикр баён юстицдан ўзини тияди. Шунинг учун у "Менга иш буюрсанми?" каби таңбсҳ эшитмаслик ниятида шахси номаълум ёки шахссиз гап тузиш йўлини танлайди. "Жўмракни алмаштириш керак", "Бир оз кутиш керак" каби гаплар тузади.

Шу тарика сўзловчи нуткй мулокот жараёнида она тилида гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишдан ташкири үзидан катта ёки қычик сухбатдошларга муомала одоби донрасида муносабат ифодалайди. Ўкувчи катта хаётта кириб борар экан, мулокот маданийтини даккилар, танбеҳлар эшитиш йўли билан эмас, балки дарсларда ўрганиш орқали эгаллагандари маъкул.

Она тили дарсларида гапнинг бош бўлакларини мулокот маданийти, муомала одобини сингдириш мақсади билан ўрганиш ишлари кўйидаги изчилилида амалга оширилади: 1) гапда эганинг кўлланиши ва тушириб колдирилиши керак бўлган холатлар билан ўкувчиларни таништириб бориш; 2) эганинг муомала одоби нуктаи назаридан ўринили кўлланган мисолларни аниклаш ва изоҳлаш; 3) нуткй вазиятни изоҳлаш асосида эгани ишлатиш ёки ишлатмасликка доир машҳлар; 4) боғланишили нутк ўтириш (ижодий матн яратиш) машҳлари; 5) ўтилган билимларни тизимга солиш машҳлари.

Гапда эганинг кўлланиши ва тушириб колдирилиши керак бўлган холатлар билан ўкувчиларни таништириб бориш ишлари иккни бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларга доир мавзуларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Ўкувчи кўйидаги холатларга доир киёсий мисоллар тайёрлайди:

- сухбатдоши кўз олдидаги турганда, иш-харакатнинг ижрочиси у эканлиги таъқидланмагандага, иш-харакат хусусида умумий фикр баён этилаётган чорда эганинг ишлатмаслиги;
- иш-харакатни бажарнишга ундаш муомала одоби нуктаи назаридан ножоиз саналганда;
- эгани ишлатиш одоблизлика (масалан, манманликка) яхин турганда.

Дастлабки мустаҳмлаш ишлари¹ эга муомала одоби нуктаи назаридан ўринили кўлланган мисолларни аниклаш ва изоҳлаш билан бошланади.

Гапда эганинг кўлланиши ва тушириб колдирилиши керак бўлган холатлар билан ўкувчиларни таништириб бориш мақсадида бадиий асарлардан мисоллар танланади ва ўқиб изоҳлаш учун такдим этилади.

Машк. Ўкинг. Ҳар бир диалогик парчадан ажратилган гапнинг қандай гап эканлигини ва нима учун айни шундай гап тузилганинг муомала одоби нуктаи назаридан тушунтириб беринг.

1. Ҳеч ёғон гапирган эмасдим, нима қиляй:
 - Материал олиб келмоқчийдим, - дедим теракларнинг учига караб.
 - Материалинг нимаси? – ойим газетага хабар ёзмоқчи деб ўйларди, - кундузи олсанг бўлмайдими...
 - Текширмай ёзиб бўладими, ойи, калпис нарса бўлса, - дедим гапини оғзидан олиб мулойимлик билан. Аммо фикри ёдим Умидада, у билан буладиган "учрашув" да эди (Х.Икромов).
2. Сиз Торнадони танийсиз. Унинг кўлидан келмайдиган иш йўқ. Бир марта консерва банкасидек пачакланиб кетган машинани яп-янги қилиб тузатган. У билан эрталабгача машинанинг тузатиб берамиш. Кўриб, пачак бўлган ерини сезмай қоласиз...
 - Торрадони кўндириши қийин. Кейин, унинг доим иши бошидан ошиб ётади, - тўнғиллади Фернандо (А. Қосимов, Ф. Мусажонов).
 - 3. - Демак, яна бир марта катнаймиз. Соатга кара-чи, неча бўлди?
 - Бешдан йигигма минут ўтиди, - бурро жавоб берди Алварадо.
 - Шошилишга тўғти келади. Озрок газ бераман. (А. Қосимов, Ф. Мусажонов).
- Парчалар синтактика таҳлил килинади. Иккни бош бўлакли ва бир бош бўлакли гаплар аникланади. "Текширмай ёзиб бўладими" гапи бир бош бўлакли гап эканлиги, иш-харакатнинг

¹ Иккни бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларни ўрганиш Х.Немматов, Н.Махмудов ва бошка хаммуаллифтар томонидан 8-синф учун яратилган "Она тили" дарслигининг 35-48-бетларида мавзуларни ўтиш жараёнида ташкил этилади.

болжарувчили газетага хабер ётиб юрадиган қасб эгаларининг хаммасига тегнили эжандигига ишора килиб фикр айтгилётганлиги аке этган. Сўзловчи маниманликка бориб, “Текнирмай ёта олмайман” дейинши мумкин эди, у колда журналистларга хос хислат ифода килинмай коларди, натижада муомала одобига птур етар эди.

Кейинги икак парчанинг хам тахлисти шу тарика, лекин ўкувчикарининг фоатигида амалга оширилди. Бундай тахлистларнинг ахамияти яна шундаки, ёш китобхонлар асар қаҳрамонларининг нуткига синчковлик билан эътибор беришга одатлана бошлади.

Нуткй вазиятини изохлаш асосида эгани ишлатиш ёки ишлатмасликка доир машҳулар ўкувчилар нуткени ўтирища мухим роль ўйнайди. Бунда нуткй вазиятлар серияси аке этган машҳулардан фойдаланилади:

Машк. Нуткй вазият асосида парчага гап киригинг.

Кумри опа унинг юзида пайдо бўлган ўйчандикни кўриб кулиг аралаш:

- ..., Насибахон, ..., - деди.

Бальзан тестлардан хам фойдаланиш яхши самара беради. Бунда нукталар ўрнига киритилиши лозим бўлган гап бир неча вариантда тавсия келинади. Масалан:

Тест. Берилган парчада нукталар ўрнига киритилиши зарур маъкул бўлган жавоб вариантини белтиланг. Танлаган вариантнинг тўтилигини исботлаш хакида ўйлаб кўринг.

Темиржон унинг бу ўйда хизмат килишидан бехабар эди. Шунинг учун соддатик ютиб сўради:

- ... (Ж. Абдуллахонов)

а) Сиз хам шу ердамишиз? б) Шу ердамишиз?

Бальзан парчада нуткй вазиятини овозни ўзгартирган колда турлича оҳангда ўкиш юзасидан ўкувчиларга топширик вариантилари бериш хам фойдалидир. [Лъвова, 1991, с. 74]. Масалан:

Топширик. Диалогнинг муаллиф гапи юсмини кўйида тавсия этилган қасб эгалари ролига кириб ўзиш. Ажратилган гапни икки бош бўлакли ёки бир бош бўлакли гап тарзида шакллантириш.

Мамажоннинг гижини келди. “Мени олиб келгунча, шунча ақл билан шунинг ўзини сайлаб кўйинса бўларкан раисликка. Топган гапини кара: “Жиловни каттиқ ушла! Бошида ёнғоқ чакиб тур!”

Мамажон хонгахта устида турган сочикини чанглаб олиб, лабларини каттиқ артди:

- ... (С.Нуров)

а) – Нега мен одамларнинг “бошида ёнғоқ чакиб” туришим керак экан?

б) – Нега одамларнинг “бошида ёнғоқ чакиб” туришим керак экан?

- маданиятли, хушмуомала одамнинг овози билан;

- кўрс одамнинг жаҳл аралаш овози билан;

- манимсираган одамнинг овози билан.

Боғланишили нутк ўтириш (ижодий матн яратиш) машҳулари ўкувчиларнинг муомала одоби донрасида бир бош бўлакли гап турларидан ўринили фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш учун хизмат килиади. Бунда таржбида диалоги бўлган кичик матн тузиш ва грамматик топширикка биноан вазифани бажариш талаб этилади. Бу иш дастлаб грамматик топширикли кичик баён тарзида, сўнг грамматик топширикли кичик иншо шаклида ташкил этилади.

Ўтилган билимларни тизимга солиш босқочида қуидаги каби жадвалга дарсга олиб кирилади:

МУОМАЛА ОДОБИГА КЎРА БИР БОШ БЎЛАКЛІ ГАГЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ифодаланадиган мазмун (амал килинадиган услубий қонди)	Бир бош бўлакли гап тури	Мисоллар
Кулоюса ёмон эгитил-маслиги учун бир сўзни яқин масофада тақорр-ламаслик, сухбатдошнинг гашига тегмаслик	Шахси маълум гап	-Хали эшитганинг йўқми? Эломонов ватъдаларнинг пучлигини билди. Охири марга шу деб ўйтайди.
Иш-харакатнинг бажа-рувчисини хар эҳтиётдан айтмаслик	Шахси номаълум гап	-Ис босиб боялаш керак,..
Иш-харакатнинг бажа-рувчиши умум ёки ижро-чиларнинг хаммаси экан-	Шахси умумлашган гап, шахси номаълум гап	Арпа эксанг, арпа ўрасан. Йўлда бироз тўхташга тўти

лигига ишора қылтиб одоб саклаш, вазиятни юмшатиш.		келди.
Иш-харакатнинг бажа-рувчиси йўқлигига ишора қилиши	Шахси номалум гап, шахсиз гап	Ойни этак билан ётиб бўлмайди.
Иш-харакатнинг бажа-рувчинини одоб доира-сидан чикмаслик, ботиш-нолмаганилик учун айтмаслик.	Шахси номалум гап.	-Ука, менга маслаҳат бер. - Нима дердим, уста топиш керак.

Юкорида иккى бош бўлакли ва бир бош бўлакли гапларни мулокот маданияти, муомала одоби билан боғлаб ўрганишга доир баён этилган тавсиялар билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жарабанини нутқ ўстириш жараёнига қўшиб ташкил этиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шунни таъсилдаш жоизки, мактабда содла гап синтаксисининг гапнинг бош бўлаклари билан боғлик мавзулари бевосита муомала одоби орқали чукурроқ англанади, ўкувчилар мулокот маданиятини хаётдаги даққилар туфайли эмас, балки ўқиб-ўрганиш йўли билан пухта, атрофичча, энг муҳими, нутқ ўстириш талаб этган даражада ўзлаштирадилар.

Адабиётлар:

- Львова С.И. Язык в речевом общении: факультативный курс (VIII-IX классы). Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1991.